O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 3'11299

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Муҳтарам Президентимиз!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги қарорининг Муборак Рамазони шариф арафасида эълон қилиниши диёримиз мўмин-мусулмонларини ғоятда мамнун этди. Айниқса, мазкур қарорда зикр этилган енгиллик ва имтиёзлар эл кўнглидаги айни муддао бўлди.

Қарордан илҳомланиб, мамлакатимизни тараққиёт ва озодлик йўлидан бошлаб бораётган, диёримизнинг барча фуқаролари учун тенг шароит ва имкониятлар яратиб бераётган, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни тиклаётган Сиз муҳтарам инсонга барча мусулмонлар номидан миннатдорлик изҳор қиламиз.

Юртимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ва ўзига хос ўринга эга бўлди.

1600 дан зиёд масжидимизда мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида 20 мингдан ортиқ юртдошимиз муборак Ҳаж зиёратини амалга оширишга муваффақ бўлди. Сизнинг ташаббусингиз ва бевосита иштирокингиз билан Имом ал-Бухорий ҳазратлари ва бошқа уламоларимизнинг шуҳратини оламга янада кенгроқ таратаётган тадбирлар амалга оширилди. Юртимиз мусулмонлари ҳукуматимиз олиб бораётган изчил сиёсатни дилдан қўллаб-қувватлаб, эл-юрт равнақи, халқимиз бахт-саодати, миллий ва маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш йўлида қилаётган барча хайрли ишингиздан бағоят мамнун бўлмоқда.

Ўзбекистондаги барча мусулмонлар 2000 йил 9 январь куни Сиз, халқимизнинг осойишта ва фаровон турмушини олий мақсад деб билган азиз Президентимиз учун овоз берадилар, деб ишонтирамиз.

Эзгу ишларингизда Аллоҳнинг ўзи Сизга мададкор бўлсин.

Самимий эҳтиром ила,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши

2000 йилга пешвозлик

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари янги асрдаги орзу ва истаклари жамланган янги йил кечасини нишонладилар.

Кечага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ташриф буюрди ва нутқ сўзлади.

— Халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётган талабалар давримизнинг илғор фикрловчи ёшлари бўлмоғи керак,—деди у.—Биз интилаётган янги асрдаги демократик ҳуқуқий жамиятни сизларнинг иштирокингизсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ташкил этилганлигига ҳали кўп бўлмаган мазкур факультетда 130 га яқин талаба таҳсил олмоқда. Факультетда 9 та, яъни араб, инглиз, немис, француз, корейс, хитой, испан, япон,рус тиллари ўқитилади. Бу борада тил гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, малакали ўқитувчилар таълим беришади. Илм даргоҳи мудири Г. Боқиева, ўқитувчилардан С. Саидносирова, С. Умиров, Ш. Каримов, А. Аҳмедов, З. Омонқулов, Э. Холбобоев, Х. Исломжанова, М. Шарафиддинова ва бошқа устозлар ўз билим ва тажрибаларини ўргатишда толмаяптилар.

Ўз мухбиримиз

Сайловлардан мақсад – ислоҳотларни жадаллаштириш

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Абдулҳафиз Жалолов Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округи сайлов комиссияси раиси Б. Рўзиев олиб борди. Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили, Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгаши биринчи котиби Р. Ботиров унинг таржимаи ҳоли билан йиғилганларни таништирди.

Учрашувда Абдулҳафиз Жалолов нутқ сўзлади. Мустақил Ўзбекистонни, деди у йиғилганларга мурожаат этиб, табиий минералларга бой, мамлакатнинг асосий валюта цехи ҳисобланган, машҳур мутафаккир — шоир номи билан аталувчи, Навоий вилоятисиз тасаввур қила олмаймиз. Вилоятнинг ҳудудлари бепоён, иқтисодий салоҳияти улкан, келажаги порлоқ, одамлари — қийинчиликларда тобланган, мард ва танти.

Мустақиллик йиллари нафақат Навоий вилояти, балки, бутун мамлакат учун туб ўзгаришлар, салмоқли ютуқлар даври бўлди. Энг аввало, миллий ўзбек давлатчилиги тикланди. У жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида, қатор ташаббус ва таклифлар билан чиқди. Бозор муносабатларига асосланган замонавий иқтисодиётнинг пойдевори бунёд этилмоқда. Аниқ мўлжалланган ижтимоий сиёсат аҳоли эҳтиёжманд гуруҳларнинг оғирини енгил қилмоқда. Миллий қадриятларимизга асосланган истиқлол маънавияти шаклланмоқда. Жамият ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

Президент И. А. Каримовнинг раҳбарлигида қўлга киритилган ушбу, инкор этиб бўлмас, ютуқларда навоийликларнинг муносиб улуши бор. Кўпгина қўшни давлатларда саноат издан чиқиб, иқтисодий инқироз гирдобидан чиқа олмаётган бир пайтда, бу ердаги мавжуд корхоналар қаторига, 3-гидрометаллургия, «Зарафшон-Ньюмонт», «Қизилқум фосфорит» каби, кўплаб йирик, шу жумладан, қўшма корхоналарнинг қурилиб ишга туширилиши мустақиллигимиз пойдеворига қўйилган ғиштлардир.

Бироқ, қилинган ишлар қанчалик салмоқли ва аҳамиятли бўлмасин олдинда бизни янада мураккаброқ ва масъулиятлироқ вазифалар кутаяпти. Шундай муҳим вазифалардан бири — демократик тамойилларни қарор топтиришдир. Жорий йилнинг 5 декабрида давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловлар ва келаси йилнинг 9 январига тайинланган республика Президенти сайлови — мамлакатимизнинг демократия сари қўяётган навбатдаги қадамларидир.

Зеро, сайловлар демократиянинг асосий шартларидан бири. Сайловларда фаол иштирок этган халқ ўз вакилларини сайлаш ва давлат ҳокимиятини шакллантириш орқали ўз сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этади. Фуқароларнинг муайян қисмини бирлаштирувчи сиёсий партиялар учун сайловлар ўз дастурий ғояларини рўёбга чиқаришнинг ягона қонуний йўлидир.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП мамлакатимиздаги барча сайловларда иштирок этмоқда. Партиянинг III Қурултойи Ўзбекистон Республикаси Президент сайловига ўз номзодини кўрсатгани кўпчиликка маълум. Бунда, ҳақиқий сайлов танловсиз бўлмаслиги, демакки, фуқароларга икки номзоддан бирини танлаб, унга эмин-эркин овоз бериш имкониятини яратиш лозимлиги ҳам ҳисобга олинди.

Сир эмас, баъзилар бу сайловда Президент И. А. Каримов билан беллашиш бефойда, демоқдалар. Ҳа, Ислом Абдуғаниевичнинг халқимиз орасида ва дунё миқёсида катта обрўйи шубҳасиз. Бунга у киши ўзининг халқчил сиёсати, матонатли меҳнати, ватанимизнинг азалий шоншуҳратини тиклаш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари билан эришди. Шундай экан, сайловда И. А. Каримовнинг қўли устун бўлишлиги тўғрисидаги фикрлар асослидир.

Бироқ, бу бизни чўчитмаяпти. Чунки, сайловнинг натижаси партиямиз учун қандай бўлишидан қатъий назар, у мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан илдам бораётганлигини намойиш этади, бизнинг ташкилотимиз эса жиддий сиёсий тажриба орттиради.

Партиямиз республика Президенти сайловига нафақат ўзининг муқобил номзоди, балки, муқобил сайловолди дастури билан ҳам иштирок этмоқда. Ушбу ҳужжатда мамлакат ривожи ва унинг истиқболларига бизнинг қарашларимиз ва ғояларимиз баён этилган.

Жумладан, сиёсий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида давлат ҳокимиятини демократик негизларда такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун давлатнинг қонун чиқарувчи — вакиллик, ижроия ва суд тармоқлари ҳамда фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, сайловларнинг чинакам демократик қонун-қоидаларга мувофиқ ўтказилишига эришиш, ватандошларимизнинг сиёсий фаоллигини юксалтириш лозим.

Иқтисодиётдаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида, авваламбор, иқтисодий эркинлик муаммоларини кечиктирмай ҳал этиш, яъни мулкдорларнинг ўз мулки, ишлаб чиқарган маҳсулоти, олган даромади (фойдаси)га эгалик қилишига эришиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, солиқлар тизимини ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирувчи омилига айлантирмоқ зарур. Айни пайтда, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимларини корхона ва хўжаликларнинг хўжалик фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашишларига чек қўйиш талаб қилинади.

Ижтимоий ҳаёт соҳасида аҳолини иш билан бандлигининг оқилона тизимини вужудга келтириш, шу масалага доир давлат дастурини қабул қилишни жадаллаштириш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни индексациялашда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган меъёрларга асосланиш, аҳолининг энг кам таъминланган гуруҳлари — нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болалик оналар, ёлғиз қолган кексаларга ғамхўрликни давлат ва жамоат бирлашмалари томонидан мақсадли тарзда кўрсатишни давом эттириш, жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг нуфузини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш каби кўплаб долзарб вазифалар ўз ечимини кутаётир.

Тажриба иқтисодий ислоҳотларни маънавият соҳасидаги ислоҳотлар билан уйғун олиб борган тақдирдагина самарадор бўлишини тақозо этмоқда. Бунда ёш авлодни миллий истиқлол талаблари, меҳнатсеварлик, ислоҳотларга садоқат, Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат ва уни кўз қорачиғидай асрашга ҳамиша тайёрлик руҳида миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашнинг бир бутун тизимини яратиш, бу ишларда, исломий (шарқона) ахлоқ-одоб меъёрлари ва маданиятидан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, фарзандларимизни турли сиёсийлашган диний оқимлардан сақлаш, диний жангариликнинг барча кўринишлари билан қатъий курашиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз кўп миллатли давлатлардан бўлганлиги сабабли, юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг иноқлиги, аҳиллигини мустаҳкамлаш барча миллатларнинг тили, миллати, анъаналари ва урф-одатларини ривожлантириш масалаларига эътиборни сусайтирмаслик ҳам муҳим вазифалар қаторига киради.

Номзод, шунингдек жамиятда зиёлилар, ўқитувчилар, олимлар, иқтисодиёт, тиббиёт, маданият тизимидаги ходимларнинг нуфузини ошириш масалалари, шунингдек мамлакатимизда ўтиш даврида долзарб бўлиб турган қатор муаммоларга тўхталиб ўтди.

Хатирчи тумани қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси ходими Ш. Султонова, вилоят электр тармоқлари корхонаси бўлим бошлиғи И. Загоскин, Навбаҳор тумани партия кенгаши биринчи котиби А. Пирматов ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Президентлигига сайловларнинг демократия талаблари доирасида ўтаётганлигини таъкидлаб, барча сайловчиларнинг унда фаол иштирок этишларига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 25 декабрь, шанба • № 152 (25.547).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

Мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа — 2000 йилнинг 9 январида бўлиб ўтадиган Президентлик сайловига икки ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Истиқлол туфайли, ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлган халқимиз бу тадбир билан иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг давом эттирилиши ҳамда чуқурлаштирилиши, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланиши, фаровонликнинг ошиши ва Она ватаннинг гуллаб-яшнаши борасидаги умидларини боғламоқда.

Урганч шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашуви бунинг яққол далили бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси Ибодулла Бойжонов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Боғот тумани ҳокими Шакаржон Хўжаниёзова йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У Ислом Каримовнинг ўзбек давлатчилиги ва халқимизнинг миллий ўзлигини англаши йўлидаги хайрли ишларининг ташаббускори ва асосий ташкилотчиси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Агар мендан ҳақиқий жасорат намунаси нима, деб сўрашганда, — деди Ислом Каримов, — хоразмлик оддий деҳқоннинг мураккаб иқлим шароитидаги ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлур эдим.

Муқаддас Хоразм заминида бундан уч минг йил муқаддам миллий давлатчилик асослари яратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён, бу ерда кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Бундан икки йил муқаддам Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланганлиги, орадан минг йил ўтиб, Хивада дунёдаги энг биринчи академия бўлган Маъмун академиясининг қайта ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Яқинда вилоятда халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик тўйи нишонланди.

Вилоят иқтисодиётида ҳам янгиланиш жараёнлари давом этмоқда. Хоразмда мамлакат саноатининг янги соҳаларида етакчи деб ҳисобланадиган йирик корхоналар барпо этилди. 1200 та собиқ давлат корхоналарида мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун йирик инвестициялар, хорижий сармоялар жалб этилмоқда.

Ислом Каримов қайд этганидек, ҳукуматимизнинг шу йил май ойида қабул қилган қарорига кўра, вилоятда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга доир дастур амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири — яқин уч йил ичида 100 мингдан ортиқ янги иш ўринларини барпо этишдир.

Учрашувда сўзга чиққан Ал Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талабаси Назокат Маткаримова, Хоразм Маъмун академиясининг раиси Азимбой Саъдуллаев, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева, Хонқа тумани Олажа қишлоғи фуқаролар йиғинининг раиси Шоҳназар Йўлдошев Ислом Каримовнинг вилоят аҳлининг чексиз ҳурмати ва ишончига сазовор бўлганлигини қайд этиб, уни мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашининг кафили эканлигини таъкидлашди.

Тимур ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилди

Перу Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси ва Перу Республикаси ўртасида БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланди.

Ҳужжатни Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили, Фавқулодда ва мухтор элчи Алишер Воҳидов, Перу томонидан эса Перу Республикасининг БМТдаги доимий вакили, Фавқулодда ва мухтор элчи Франциско А.Тудела имзоладилар.

«Жаҳон» АА



Яқинда қорақалпоқ мумтоз адабиётининг етук намояндаларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Ушбу байрамнинг сўнги босқичи Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Тадбир жараёнида Ажиниёз Қўсибой ўғлининг бой адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман уюштирилди. Адибнинг туркий халқлар адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси, унинг ҳаёти ва фаолияти, бой ижодий меросини ўрганиш хусусида таниқли адабиётшунос ва олимларнинг маърузалари тингланди.

Юбилейга бағишлаб Қорақалпоғистонда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Жумладан, Нукус шаҳрининг хушманзара жойида шоир номи билан аталувчи майдон бунёд этилди. Худди шу майдонда Ажиниёзнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

Суратларда: ***1. Ажиниёз Қўсибой ўғлининг ҳайкали. 2. Юбилей тантаналаридан лавҳа.***

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) **олган суратлар.**

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1999 йил 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда шу йил 19 декабрь куни 66 сайлов округида Олий Мажлис депутатларини сайлаш юзасидан ўтказилган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.

Овоз беришда барча сайлов округларида сайловчилар рўйхатига киритилган 3338912 сайловчидан 2918055 киши иштирок этди. Бу кўрсаткич тегишли округларда сайловчилар рўйхатларига киритилганларнинг 87,4 фоизини ташкил этди. Такрорий овоз беришда Тошкент шаҳридаги еттита сайлов округида 77,4 фоизи, Андижон вилоятидаги учта сайлов округида 94,6 фоизи, Бухоро вилоятидаги тўртта сайлов округида 90,1 фоизи, Жиззах вилоятидаги иккита сайлов округида 91,6 фоизи, Навоий вилоятидаги иккита сайлов округида 82,2 фоизи, Наманган вилоятидаги саккизта сайлов округида 89,7 фоизи, Самарқанд вилоятидаги еттита сайлов округида 87,9 фоизи, Сирдарё вилоятидаги учта сайлов округида 90,8 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги бешта сайлов округида 82,6 фоизи, Тошкент вилоятидаги саккизта сайлов округида 88,4 фоизи, Фарғона вилоятидаги саккизта сайлов округида 92,7 фоизи, Хоразм вилоятидаги битта сайлов округида 90,0 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги бешта сайлов округида 82,6 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта сайлов округида 87,1 фоизи иштирок этди.

Такрорий овоз бериш натижаларига кўра, 65 сайлов округида депутатлар сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 16, Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 15, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 11, «Адолат» социал демократик партиясидан — 2, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан — 4, ҳокимият вакиллик органларидан — 12, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 5 депутат сайланди.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 179-Чорсу сайлов округида номзодлардан бирортаси ҳам сайловчиларнинг етарли миқдордаги овозни ололмаганлиги учун сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11 ва 44-моддаларига мувофиқ ушбу округда такрорий сайлов ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссияларининг баёнларини кўриб чиқиб сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 11,43 ва 46-моддаларига мувофиқ тарзда такрорий овоз бериш натижаларига кўра Олий Мажлис депутатлигига сайланганларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис депутатлари сайлови такрорий овоз бериш бўйича барча жойларда қонун ҳужжатларининг талабларига тўла мувофиқ ўтди.

1999 йил 19 декабрда ўтказилган такрорий овоз беришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар рўйхати

№	Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Абдуллаев Мурадулло	1948	Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш Давлат акционерлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Тошкент шаҳри	56-Фиришкент
2.	Абдуллаев Рахмонқул	1955	"Сурхонозиқовқатсаноати" акционерлик жамияти раиси	Денов шаҳри	146-Денов
3.	Аскаров Бахтиёр	1942	Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори	Тошкент шаҳри	21-Оқлон
4.	Бахронов Тохир Саидович	1959	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти директори	Бухоро шаҳри	59-Пешку
5.	Джихангирова Дилбар Набиевна	1946	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	166-Қизғалдоқ
6.	Мелкумов Александр Николаевич	1940	"Совпластитал" қўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	18-Чилонзор
7.	Назаров Хамидулла Сотивалдиевич	1950	Ўзбекистон "Кимёлойиҳа" илмий-тадқиқот институти Чирчиқ бўлими бош директори	Чирчиқ шаҳри	157-Кимёгар
8.	Нормурадов Мурадулла	1946	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори	Қарши шаҳри	230-Чироқчи
9.	Раматов Ачилбай Жуманиязович	1962	"Ўзтемирйўлтаъмирлаш" акционерлик жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	2-Оқтепа
10.	Синдаров Абдурашид Джахангирович	1956	Сайхунобод тумани "Шўрўзак" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Сайхунобод тумани	131-Сайхун
11.	Солиев Суфхонжон Мўйдинович	1957	Фарғона вилоят маҳаллий саноат компанияси раиси	Риштон тумани	188-Риштон
12.	Умаралиев Мухамаджон	1949	Андижон вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси	Андижон шаҳри	35-Истиқлол
13.	Хасанов Урин Хасанович	1953	"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори	Навоий шаҳри	73-Навоий
14.	Эрданаев Алиқул Халимович	1957	"ABN AMPO банк Ўзбекистон АЖ" ижрочи директори	Тошкент шаҳри	231-Кўкдала
15.	Қурбанбаев Неъматилла	1951	"Наманганмевасабзавот" ҳудудий бирлашмаси раиси	Янгиқўрғон тумани	101-Заркент
16.	Қурбонов Ровшанбек Давлетович	1947	Ўзбекистон кардиология илмий-тадқиқот институти директори	Тошкент шаҳри	169-Қуйи Чирчиқ

Ёшлар — гиёҳвандликка қарши

Тошкент давлат университети маданият саройида Тошкент шаҳар гиёҳвандлик диспансери бош мутахассиси Розия Икромова ва Собир Раҳимов тумани 32-поликлиника бўлим бошлиғи Дилдора Ирисмуҳаммедовалар «Гиёҳвандлик ва уни олдини олиш» мавзусида талабалар билан мулоқот ўтказишди.

Минтақамизда яшаётган аҳолининг 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган қатламлари орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга мойиллик кўпроқ эканлиги учрашувда алоҳида таъкидланди. Аксарият ёшлар аввал бошдан шунчаки кўнгил ҳуши учун гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб, охир-оқибатда бедаво касалликка чалиниб қолмоқдалар.

Шифокор Д. Ирисмуҳаммедованинг айтишича, кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик хасталигига йўлиққан беморлар сони камайган.

Учрашувда сўзга чиққанлар Марказий Осиё минтақасининг баъзи бир ҳудудларида наркотик моддалар етиштирилаётганлигини ва унинг ёшлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳамда давлатимиз томонидан бундай иллатларга қарши жиддий кураш олиб борилаётганлигини айтиб ўтдилар.

«Туркистон-пресс»

Эзгуликка юз бургай башар...

Бир йилдан сўнг XXI асрни қарши оламиз. Ҳозир асримизнинг сўнгги – 2000 йилини кутиб оляпмиз. Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни табора XXI аср сари яқинлаштирмоқда. Давр чархпалаги тинмасдан айланади. Бу ҳаёт қонуни. Чархпалак парраги алмашмоқда, у қувончу шодлик, ғам-андуҳлар эвазига пайдо бўлган кўз ёшлар билан тўлган эди. Биз ушбу йиллар солномасини сарҳисоб айласак ғам-андуҳларнинг ёнида қувонч—шодликлар борлигини, улкан кашфиётлар яралганлигини кўрамиз. Ҳа, XX аср бизга улкан кашфиётлар ато этди, инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳодисалар рўй берди. Чунончи миллионлаб техник қурилмалар ўйлаб чиқилди. Яна бир буюк кашфиёт айнан шу асрда содир бўлди. Инсон қадами Ойга етди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган кашфиётлар сабабчиси бўлган инсоният саноғи шу асрда 6 миллиарддан ошди.

«Яхши» сўзининг ёнида «ёмон» сўзи ҳам ишлатилади. «Очарчиликка қарши ҳаракат» халқаро инсонпарварлик ташкилоти маълумотига қараганда, ҳозир дунёда 800 миллион киши очлиқдан азият чекмоқда. Бунинг оқибатида эса йилига 30 миллион киши нобуд бўлмоқда. Бу очарчиликлар табиий офатлар, қирғинбарот урушлар тобора тугаб бораётган аср юрагида из қолдирмоқда. Буни янги аср бўсағасида туриб бемалол айтиш мумкин. Асримиз бошида, яъни 1912 йил 12 апрель куни 1495 йўловчиси билан «Титаник» аталмиш улкан сув кемаси айсбергга урилиб баҳри уммон қаърига чўкиб кетди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. 1945 йилда Японияннинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига илк бор инсониятга офат келтирувчи ядро бомбалари ташланди. Совуқ уруш қўланкаси неча йилдирки инсоният бошида кезиб юрибди. Тожикистондаги биродаркушлик уруши тўққиз йилдан, Афғонистондаги уруш 21 йилдан буён давом этмоқда. Шимолий Кавказдаги нотинчлик ҳаммага аён.

Қирғинбарот урушлар гоҳ Гитлер, гоҳ Сталин қиёфасида, гоҳ Франко диктатураси номидан курраи заминни қонга ботирди. Чернобль ҳалокатини оласизми, дунёга хавф солаётган, гоҳо ер тўғрисида, гоҳо диний, сиёсий урушларни оласизми, барча-барчаси XX асрда инсониятга осон кечмаганлигини кўрсатиб турибди. Башарият олдида кўндаланг бўлиб турган экологик муаммо ҳам, даъвосиз дард дея аталадиган СПИД ҳам айнан шу асрда туғилди. Мана сизга банибашар авлодининг XX асрни қандай якунлаётгани. Асрнинг башариятга улкан кашфиётлар билан биргаликда қатор оғриқлар ҳадя этганининг қисқача салномаси. Бу қулфатлар замирида миллионлаб қисматлар, миллионлаб кўзёшлар, отасиз гўдаклар, қанчадан-қанча барвақт хазон бўлган умрлар ётибди. Бу умрлар сизни ва бизни қайғуга чўмдиради. Ўзингиз билибми-билмай уларнинг тақдирига ачинасиз. Бу туйғу инсон боласи динидан, тилидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар ЯГОНА ОИЛА эканлигини, Африқо қитъасининг қайғуси сизнинг ҳам қайғунгиз эканлигини беихтиёр ёдингизга солади. Сиз шунда англаб етасизки, инсонлар бир-бирига нақадар қайғудош, нақадар елкадош.

Бизга-чи? Бизга бу аср қандай жабру ситамлар, мукофотлар ато этди? Биз ҳам юқоридагилардан бенасиб қолганимиз йўқ. Ваҳшийлик билан йўғрилган ёвузлик бизга ҳам соя ташлаган эди. Бу асрда истибдод кишанини оёғимизга кийдик. Пешонамизга ўзимизга кўринмас қуллик тамғаси босилди. Халқни тўғри йўлга бошловчи кишилар: зиёлиларимиз, уламоларимиз, бойларимиз ўлимга, сургунга ҳукм қилинди. Маърифат йўлига, ҳуррият йўлига чорловчи жадидчиларимиз қамоқларга олинди, йўқ қилиб ташланди. Ёвузлик ўз ишини қилди. Бунга сабаб халқ бирлашмаган эди. У ерда парокандалик ҳукм сураётган, қўрқоқлар, сотқинлар кўпаётган эди. Инсон ўзлигини унутиб Чингиз Айтматов таърифлаган «манқурт»ларга айланаётган эди. Ҳайрият XX аср ўрталарига келиб бу тузум сал бўшагандек кўринган эди. Кўпчилик кишиларимиз «халқ душман»лигидан фориғ бўлди. Сургунлардан, қамоқлардан озод қилинди.

Ҳар қалай ўзимизни қўлга ола бошладик. Лекин, бу озод бўлдик дегани эмас эди. Ҳали ҳам истибдод кишани оёқларимизни сиқаётган эди. Ниҳоят аср охирлари 1989 йил 21 октябрда Ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, ҳуррият куртак очган эди.

Ҳа, бу аср боши бизни зулмат ботқоғига ташлаб, аср охирида истиқлол чўққиларига олиб чиқди. Биз XX аср охири 1991 йил 1 сентябрда тўлиқ мустақил бўлдик. Баҳодир ўғлон юртга бош бўлди. Унинг бошчилигида бирлашдик, ўз йўлимизни топдик. Халқни бирдамликка бошловчи инсон эса эзгулик курашларига, ҳуррият курашларига чорлади. Озод Ватаннинг озод фуқаросига айландик. Аввало шу кунларга етказган Оллоҳга ҳамду саноолар бўлсин. Биз февраль воқеалари иштирокчилари ҳақида сўзламоқчи эмасмиз. Улар иблисларку, нимасини ҳам гапирамиз. Нафратли сўзларга арзимайди улар. Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асаридаги иборани сал бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак: «Агар уларни (хоинларни) ҳайвон деб атайдиган бўлсак, ер юзидаги жамики ҳайвонлар келиб бизнинг ёқамиздан олади. Бизни шуларга ўхшатдингми?!» деб. Биз шунга амин бўлдикки, бирлашган халқ яхшилик учун, эзгулик учун курашган халқ абадий бўларкан. Биз бугун янги аср остонасида туриб бу сўзларни бемалол айтишимиз мумкин. Янги юз йилликка ёруғ юз билан кириб борғаймиз иншооллоҳ. Муборак остонада туриб ўзлигимизни таниганимизни, ўзлигимизни англаганимизни англаб турибмиз. Эртанги саодатли кунларда урушлар бўлмаслиги учун, кўзёшлар тўкилмаслиги учун, истиқлол қадрини қиммати учун, Ватан келажагининг равнақи учун курашиб яшаймиз. XXI асрда юртбошимиз айтганидек «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» бўлгай.

Ёшлар нигоҳи

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли, Шуҳрат ОРИФ

Соғлом авлод тарбияси йўлида

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифалардан қилиб белгиланган эди. Бунга мос равишда давлат миқёсида ҳал этиладиган асосий муоммалар сифатида қаралиб келинмоқда. Зеро, соғлом авлод — ватан қудратидир. Бунинг учун эса фарзандларимизни нафақат жисмоний соғлом, балки маънавий дунёси бой, дунёқараши кенг, ҳар томонлама билимли, ақлли қилиб тарбиялаш зарур.

Юртимизда халқ таълимини янада такомиллаштириш, давлат таълим стандарти асосида янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этаётган билим масканларини аниқлаш, рағбатлантириш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловини эълон қилган эди.

Яқинда Республика таълим марказида шу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ғолиб мактаблар қатнашди.

Тошкент шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўз ютуқлари, ўқувчиларнинг амалий иш намуналари, янги педагогик технологияни таълим ва тарбияга жорий этиш бўйича тақдим этилган кўргазмалар, фотоальбомлар, видеолавҳалари энг ижобий деб топилди ва «Йилнинг энг яхши мактаби» номини олишга сазовор бўлди.

Нодир ХОЛМАХМАТОВ

Янги минг йиллик бўсағасидаги ўйлар

МАЪРИФАТГА ҚАЙТИШ

Бундан икки йил бурун худди ҳозиргидай Янги йил кунлари «Шарқ» концерни хайрли бир ишга қўл урганди. Концернимизга салмоқли фойда келтираётган тижорат дўконларимиздан бир нечтасининг фаолияти тугатилиб, улар ўрнига янги, замонавий, Тошкентдаги энг йирик китоб дўконларини очгандик. Уни эзгу ният билан «Шарқ зиёкори», деб номлагандик. Салобатли, гўзал бу дўкон кирган китобхонни нафақат ўз дилига яқин китоблари билан, балки замонавий кўриниши, дидли безалиши билан ҳам кўнглини чоғ этсин деб, ўшанда бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб таъмирладик. Мана, ҳозир ушбу китоб маскани шаҳримиздаги энг кўркам, энг харидоргир зиё масканига айланди. Ўзимизнинг нашриётимизда тайёрланиб, босмахонамизда чоп этилган барча китоблар ўша куннинг ўзидаёқ ушбу дўконнинг пештахтасидан ўрин олади. Энг муҳими, уларнинг баҳоси жуда арзон. Кўплаб китоб тижорати билан шуғулланувчилар шу ердан янги асарларни харид қилиб, бошқа жойларга олиб бориб, устига қўшимча баҳо қўйиб сотишади. Дўконда нафақат китоблар, ўзимизда ва бошқа нашриётларда чоп этилган ўқув қўлланмалари, иш қоғозлари, дафтарлар, кундаликлар, умумий дафтарлар, тақвимлар, плакатлар мавжуд. Ҳозир ушбу «Шарқ зиёкори» фирмамизнинг Самарқанд, Хива, Жиззах, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда филиалларини ташкил этдик. Бу зиё тарқатувчи бўлинмаларимиз ҳам халқимизга намунали хизмат кўрсатиб китобсеварларни хушнуд этмоқдалар.

Ўша йиллари айримлар, хусусан ўзимизнинг ходимлар ҳам «бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий самара берадиган, нақд фойда келтирадиган ишлар билан шуғулланганимиз яхши эмасми?», деган мулоҳазани ҳам билдиришганди. Мен уларга «бугунги бир сўм фойдани ўйлаб, эртанги ёруғ кун талабини унутмайлик. Ҳеч маҳал китобшунослик катта пул маъносида фойда бермаса ҳам халқни, келажак ёш авлоднинг маънавияти, маданияти, тафаккури учун бебаҳо хизмат қилади. Буюк келажакни эса айнан маънавиятли, етук билимдонларгина бунёд этишга қодир бўлади», деб ҳовирини босган эдим.

Ўтган вақт эса ҳозирги кунни ўйлаганлар янглишганини аниқ кўрсатди. Эртадан кечгача одам аримайдиган дўконларимизда (улар шаҳримизда ҳозир учтага етди, яна кўпайтирмоқчимиз) бўлганингизда, кишиларнинг билимга чанқоқлик билан китоб олишаётганини кўрганингизда дилингиз яйрайди. Асли саводхон, китобхон, илмга чанқоқ, маърифатсевар халқ туриш-турмуш, тириқчилик ташвишларидан ортиб, яна китобга кўнгил очганидан, китоб оламига қайтганидан хурсанд бўласан, киши.

Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор. Китоб ўқиган халқни енгиб бўлмайди. Уни сотиб олиб ҳам бўлмайди. Чунки у оқ-қорани, ҳақиқатни, ноҳақликдан ажрата олади. Китоб ўз моҳиятига кўра эзгуликни, адолатни тарғиб этади, ўқувчида поклик ҳиссини тарбиялайди. Бу олийжаноб одоб дилига кўчган одамни енгиб, алдаб ё сотиб олиб бўладими? Йўқ, асло. У ўз уйи, фарзандлари, юрти, халқи учун жон фидо, ватанпарвар бўлиб етишади. Мана бу инсоний фазилат билим булоғи бўлган китобнинг кучи, қудратидандир. Мана, китобнинг бебаҳо қиммати.

Ярим асрдан ортиқ умрим китоблар ичида ўтгани боис, уларнинг дунё юзини кўриш жараёнининг нақадар сермеҳнат, мураккаб ва машаққатли эканлигини билганим боис, давраларда китобдан сўз очсам айримлар жон қулоғи билан эшитади, лекин энсаси қотадиганлар ҳам бўлади. Лекин улар вақт ўтиб «фалон китоб хўп аломат экан», деб қолишади. Мана китобнинг сеҳрию, билганга бетаррор мехр-оқибат, маънавий фойдаси десак арзийди. Китоб ўқиб йиғлаганларни, кўзи очилганларни, йўлини топиб кетганларни, ундан ўзига куч-қудрат олганларни кўрганман. Ҳали сиёҳи ҳам қуримаган китобни қўлга олиб худди суюкли фарзандини ўпгандай, кўзига суртганларни кўриб, дунёда энг буюк мўъжиза китоб эканлигига имон келтирганман.

Мени кечирасиз-у, шу шукрона замонда нопоклик билан юртига хиёнат қилиб, унга тош отаётганлар асли китобсизликдан, маърифатсизликдан, нонкўрликдан, дунёси бағри каби тор, қалби тош, савоб билмай адашган нопок кимсалар эканлигидандир. Шунинг учун ҳам халқни китобга, ўқишга чорлаш, инсофга даъват этиш, ёшларда маънавий ҳордиқ чиқаришдек ўта зарур неъмат ҳисобланувчи китоб ўқишдек одат, мутолаа кўникмасини юзага келтириш маънавият ва маърифатни такомиллаштириш борасидаги энг муҳим ишларнинг биридир.

Бизнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернимиз ана шундай, бутун фаолиятини юртдошларимиз маънавияти ва маърифатини юксалтиришга бахшида этган даргоҳ. Зиёкор корхонамиз тарихи мустақиллигимиз тарихи билан бевосита боғлиқ. 1991 йил 1 сентябрь Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мустақиллик куни деб эълон қилингач, орадан роса 2 ой ўтиб, ўша йили 5 ноябрда юртбошимиз «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонларга имзо чекдилар. Нашриётимиз солномасида янги, истиқлолга интилган истиқбол даври бошланди. Биз жамоамиз аҳли билан янги мафкура — ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаб, китоб, газета, журналлар воситаси ёрдамида кенг тарғиб қилиш, мустақилликнинг фидойи, онгли, етук ватанпарварларини тарбиялайдиган янги, замонавий адабиётни чоп этиш ишига киришиб кетдик.

Ўтган даврни эсласак, ўта мураккаб, машаққатли ва шарафли йўлни мардоналик билан босиб ўтибмиз. Собиқ марказдан ажралиб чиққач, ўзбек ноширчилиги ва матбаасининг олдида кўпгина зарур ва мураккаб вазифалар турарди. Ҳар қандай қийинчиликка қарамай, халқимизни газета, журнал, бадиий, иқтисодий ва сиёсий адабиёт каби маънавият булоқларидан узлуксиз баҳраманд этиш зарурати мавжуд эди. Янги ҳамкорлар топиш, кўп миқдорда зарур ҳом ашё ресурсларини яратиш лозим эди. Собиқ Иттифоқ буюртмаси билан бизнинг босмахонамизда чоп этиладиган кўп миллион нусхали газета ва журнал, китоблар нашри тўхтагач, кўп ишчиларимиз қатори машина-техникаларимиз ҳам ишсиз қолиши хавфи бор эди. Мураккаб ва муҳим вазиятдан безарар чиқиш учун корхонамиз мутахассисларининг ихтиролари асосида янги технологиялар жорий этилди, бадиий, илмий, услубий адабиётлар чоп этишга, умуман китоб ноширчилигига катта куч ва маблағ сарфладик. Бу ерда ҳам биз юртбошимизнинг доимий ғамхўрликларини сезиб турдик. Шахсан халқимиз йўлбошчисининг маънавиятга ҳақиқий ҳомий эканликлари ўша мустақилликнинг дастлабки кезларидаёқ амалда намоён бўлганди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари ва ғамхўрликларига таяниб биз Германиянинг дунёга танилган, матбаа ускуналарини тайёрлайдиган машинасозликка ихтисослаштирилган «Ман пламаг», «Ман роланд», «Гейделберг» каби босма машиналари, «Мюллер Мартини», «Колбус» ва «Зиглох» каби китоб тайёрлайдиган замонавий автомат линияларига эга бўлгандик. «Шарқ»нинг бугунги юксак натижаларининг таъмал тошини ҳам, таъбир жоиз бўлса, шу йўсинда юртбошимизнинг ўзлари «Шарқ» номини ҳам қўйиб бергандилар. Шу зайл ҳар йили минглаб номда, миллионлаб нусхада китоблар, газета, журналларни чоп этамиз. Айни пайтда ташкилотлар учун зарур бўлган иш қоғозлари, ҳужжатлар бланкаларидан тортиб, таклифномаю ташриф қоғозлари, сертификат, акциялар, дипломлар, гувоҳномаларгача босмахонамизда сифатли даражада, арзон нархда чоп этяпмиз, бу ҳам фаолиятимиз учун зарур бўлган омил, қолаверса, иқтисодимизнинг бир томонини кўтариб турибди.

Ундан ташқари, ҳозир 100 га яқин газета, 60 дан ошиқ журнал чоп этяпмиз. Уларнинг технологик жараёни, ишлаб чиқариш графиги, ҳом ашё таъминоти, ўз вақтида ўқувчига сифатли, кўркам кўринишли ҳолда етиб бориши аниқ режаларга таяниб бир текис ишлаш механизмини ташкил қилишни тақозо этади. Режали иш тутиш, мутахассисларнинг юксак малакаси корхонамиз тизимида бу вазифаларни ўз вақтида, сўзсиз уддалашга имкон беради. Натижада бизнинг «Шарқ» собиқ Иттифоқ миқёсидаги нашриётлар орасида парчаланмай, оғир иқтисодий бўҳронлардан беталофат чиқиб, аксинча беқиёс ривож топган, нуфузи ошиб бораётган корхонага айланди.

Бундай ижобий янгиликни биргина якунланаётган йил мисолида кўриш ҳам мумкин. Ўтган йили ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 1 миллиардли маррага етган бўлсак, бу йилги ҳисоб-китоблар бўйича бир ярим миллиард сўмдан ошиқ миқдорда босма маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Иш ҳақи ўтган йили 12 минг сўмга етган эди, бу йил 14 минг сўмга айланаяпти. Бунга асосан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, матбаа босма машиналаридан оқилона, унумли ва тежамли усулда фойдаланиш, корхонага янги техника ва технологияларни тадбиркорлик билан жорий этиш, мутахассисларимизнинг тажрибасидан ижобий фойдаланишимиз эвазига эришяпмиз. Бизнинг шиоримиз: «Тез, сифатли ва арзон». Ҳамкорларимизнинг буюртмаларини тез суръатда, аъло сифатда ва арзон нархларда нашр қилишга эришишдир. Улкан корхонамизнинг мураккаб жараёнли ишлаб чиқариш механизми мана шу аниқ асосга қурилган. Шунинг эвазига корхонамиздан мамнун буюртмачиларнинг қадами узилмайди. Бундай ишончли ҳамкорлик корхонамиз юксалишининг муҳим ва асосий омилларидан бири, десак тўғри бўлади.

Янги йил бўсағасида турибмиз. Биз уни шунчаки, навбатдаги янги йил сифатида эмас, янги давр, янги аср, янги минг йилликка тайёргарлик деб қарашимиз керак. Кутилмаганда «2000 йил муаммоси» айниқса, бизнинг компьютерлашган матбаачилигимизда ҳам муайян мураккаб бўлган қийинчиликларни туғдирмоқда. Ҳозир уларнинг олдини олиш учун чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда бирмунча техникавий тараддудларни амалга оширяпмиз. Муаммолар бугина эмас, матбаачилик деярли чет эл хом ашёси ҳисобига ишлайдиган соҳа, хом ашёларнинг эгалари томонидан нарх-наволарнинг ошиб бориши, конвертация жараёни билан боғлиқ масалалар, олиб келинадиган хом ашёлар шартномаларини божхона ва бошқа назоратловчи идораларда ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг чўзилиб кетиши каби ҳолатлар янги йилда тартибга тушади, деган умиддамиз.

Кейинги пайтда қўлга киритилган ютуқларимиздан бири — кўп рангли альбомлар, китобларни чоп этишни ўзлаштириб, уни ишлаб чиқаришга татбиқ этолганимиз бўлди. Бу тажрибани дастлаб Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи арафасида яратган альбомларимиздан бошладик. Не бахтки, улар Парижда ЮНЕСКО томонидан Амир Темур тўйи тантаналарига бағишлаб ўтказилган йирик анжуманда жаҳон илм аҳли, тарихчи олимлар, маданият арбобларининг эътиборига сазовор бўлди. Сўнг бу анъана Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларига атаб, Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний каби алломалар тўйларига бағишлаб чоп этилган кўп рангли нафис асарларда янада нозик сайқал топди. Бу йўналишдаги тажриба ва малакаларимизнинг чўққиси куни кеча «Ислом Каримов» номли альбом-китобни чоп этганимиз бўлди. Айнан шу китоб бунгача чет элда чоп этилган эди. Агар ҳозир чет элда ва бизда чоп этилган китоб нусхаларини ёнма-ён қўйсак деярли фарқлай олмайсиз. Биз сифат борасида эришилган бундай тенгликдан мамнунмиз.

Қолаверса, бу асар Президентлик сайлови арафасида дунё юзини кўргани бағримизни фахрга тўлдиради. Шуни ҳам айтиш керакки, биз яратган китоб чет элдагисидан бир неча баравар арзондир. Чет элда китоб чоп этиш учун катта миқдорда валюта тўлашга тўғри келадики, шу йўсин китобларни ўзимизда тайёрлаб мамлакатнинг қанчалаб валютаси тежаб қолинишига ёрдам бераяпмиз. Эндиликда чет элда катта миқдордаги валюта ҳисобига китоб бостириб келиш тажрибасидан деярли воз кечса ҳам бўлади.

